



Ислом Нури

Савол:

Аллох таоло Бакара сурасининг охирги оятларида «Хеч бир бандага токатидан ортик нарса юкланмаслиги»ни айтиши ва шу билан бирга «Эй, Алохим, бизга токатимиздан ортик нарсани юкламагин» деб дуо килишга арм этишида кандай хикмат бор?

Жавоб:

«Аллох хеч бир бандага токатидан ортик нарсани юкламас» деган ояти бу хабар бўлиб, мустакил жумладир, ундан бир оят аввалдаги оят нозил бўлганда «Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор килинг, хоҳ яширинг, Аллох сизларни ўша нарса билан ҳисоб китоб килади» бу саҳобаларга жуда огир келди, «кайси биримиз калбига эга бўла олади» яъни кўнглимиздан баъзи гаплар ўтиб қоладику, энди кандай киламиз, деганларида: Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам уларга «эшитдик, итоат килдик» денглар – дедилар. Шундан кейин Аллох таоло колган оятларни нозил килди, ва улар билан аввалги оятни «Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор килинг, хоҳ яширинг, Аллох сизларни ўша нарса билан ҳисоб китоб килади»ни насх килди яъни ҳукми бекор бўлди, қолаверса бизга кандай килиб дуо килишни ўргатди. Бунга ўхшаш оятлар кўп, улардан бири Фотиха сурасидир, Аллох таоло ҳадис кудусийда «Намозни (фотихани) ўзим ва бандам ўртамизда иккига бўлдим, бандамга сўраган нарсаси бўлади.Банда «ийяка наъбуду ва ийяка настаъийн – сенгагина ибодат киламиз ва сендангина мадад сўраймиз» деганида Аллох таоло айтади «бу мен билан бандам ўртамизда, бандамга сўрагани» бу оятдан кейингилари дуодир. Фотихани Аллох ўз мархамати ила нозил килган ва унда биз нима деб Аллохни улуглашимиз, кандай дуо килишимизни бизга ўргатган ва биз қачонки шу дуоларни килсак Аллох бизга ваъда



қилган ижобатининг бўлишини ҳадиси қудусийда баён қилган. Бу албатта Аллоҳ марҳаматининг жуда кенглигига далолат қиладики У ўзига ёқадиган дуоларни бизнинг тилимиздан қилиб, айтиб, ўргатиб, оятларида нозил қилган ва биз унга амал қиладиган бўлсак бунинг эвазига ажру ҳасанотлар беради ва дуоларимизни қабул қилади. Менимча сиз саволингизда сўраган хикмат маълум бўлди шекилли.